

**БОТАНИКА ВА ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР
ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.В.3901 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БОТАНИКА ВА ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТУРГИНОВ ОРЗИМАТ ТУРДИМАТОВИЧ

БОЙСУН БОТАНИК-ГЕОГРАФИК РАЙОНИ ФЛОРАСИ

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (Doctor of
Philosophy) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD) on biological sciences**

Тургинов Орзимат Турдиматович Бойсун ботаник-географик райони флораси.....	5
Тургинов Орзимат Турдиматович Флора Байсунского ботанико-географического района	22
Turginov Orzimat Turdimatovich Flora of Baisun botanical-geographical region.....	40
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

**БОТАНИКА ВА ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ, ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР
ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 27.06.2017.В.3901 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БОТАНИКА ВА ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТУРГИНОВ ОРЗИМАТ ТУРДИМАТОВИЧ

БОЙСУН БОТАНИК-ГЕОГРАФИК РАЙОНИ ФЛОРАСИ

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (Doctor of
Philosophy) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/B2 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ботаника ва зоология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.flora_fauna.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хасанов Фурқат Орунбаевич
биология фанлари доктори, профессор

Нигматуллаев Алим Магмурович
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий Университети

Диссертация ҳимояси Ботаника ва зоология институти, Ўзбекистон Миллий университети, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017.В.3901 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «_____» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232-уй. Ботаника ва зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: ibz@academy.uz).

Диссертация билан Ботаника ва зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232-уй, Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2017 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

К.Ш. Тожибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
б.ф.д., профессор

Б.А. Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Э.Б. Шакарбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

КИРИШ (диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёдаги иқлим ўзгаришлари, антропоген, биотик ва абиотик омиллар таъсири натижасида экотизимларда содир бўлаётган трансформация жараёнлари маҳаллий биологик хилма-хиллик, хусусан, турлар таркибини аниқлаш ҳамда ўсимлик дунёси объектларини биохужжатлаштириш тадқиқотларига янада катта эътибор қаратиш лозимлигини талаб этмоқда. Биохилма-хилликнинг глобал баҳолаш UNEP маълумотларига кўра, «... бугунги кунда турли омиллар натижасида 30 000 дан ортиқ ўсимлик ва ҳайвон турлари йўқолиб кетиш хавфи остида турибди, охирги 400 йил ичида 654 ўсимлик турлари йўқолиб кетган». Шу нуқтаи назардан, биохилма-хилликни ўрганиш, маҳаллий флоралардаги турлар таркибини рўйхатга олиш, камёб турларнинг замонавий ҳолатини аниқлаш ва сақлаб қолиш замонавий биологиянинг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш, давлат кадастрини юритиш, биологик хилма-хиллигини сақлаш ва ундан оқилона фойдаланишга катта эътибор қаратилди. Мазкур йўналишларда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, маҳаллий флораларнинг тур таркибини аниқлаш, уларни табиий ўсиш шароитида сақлаб қолиш ва муҳофаза қилиш, ўсимлик хом-ашёси захираларини аниқлаш ҳамда йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ўсимлик турларининг *ex-situ* шароитидаги коллекцияларини барпо қилиш борасида муҳим натижаларга эришилди.

Бугунги кунда жаҳондаги замонавий флористик тадқиқотлар, айниқса, ўзига хос эндем ва реликт турларнинг бой таркибига эга минтақаларнинг таксономик хилма-хиллигини илмий тадқиқотларнинг замонавий методлари ёрдамида аниқлаш, флора генезиси ва эндемизм фракцияларнинг шаклланиш марказларини ўрганишни тақозо этмоқда. Бу ўринда Тоғлиўртаосиё провинциясининг Жануби-ғарбий Ҳисор округи таркибига кирувчи Бойсун ботаник-географик райони бундан мустасно эмас. Бу ҳудуд таксономик хилма-хилликнинг юқорилигига, камёб, эндем ҳамда реликт турларга бойлиги билан ажралиб туради. Унинг флораси таркибини аниқлаш, ботаник-географик район сифатида чегараларини аниқлаш, камёб ва йўқолиб кетаётган, эндем турлар популяцияларининг замонавий ҳолатини баҳолаш, флоранинг маълумотлар электрон базасини тузиш Ўзбекистон миллий флорасидаги ўзига хос хусусиятларини очиб беришда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сон «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги қарорлари ва ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни

амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маълум бир табиий ҳудудлар флораларининг таҳлили ва флористик конспектини тузишга қаратилган тадқиқотлар хорижлик олимлар V.Funk & al. (2013) флоралардаги эндем турларнинг тарқалиши бўйича тадқиқотлар L. Peruzzi & al. (2015) табиий флораларнинг тур таркиби бўйича батафсил рўйхатлар S. Mincemoyer & al. (2012) томонидан яратилган. МДХ мамлакатларида табиий флораларнинг конспектини тузишга қаратилган тадқиқотлар М.М. Силаньтева (2008), Г.А. Садырова (2009), А.П. Серегин (2013, 2014) ва бошқаларнинг илмий асарларида кўриш мумкин. Тадқиқот ҳудудидан терилган илк гербарий намуналари М. Капюга (1881) тегишли. Ҳозирга қадар Бойсун ва унга ёндош бўлган минтақалардан 30 000 дан ортиқ гербарий намуналари йиғилган. Асосий коллекторлар сифатида М.Г. Попов, В.П. Бочанцев, А.И. Введенский, Н.А. Меркулович, С.Н. Кудряшов, А.Я. Бутков, Л.И. Попова, С.Н. Лепешкинлар қайд этилади. Н.А. Меркулович (1936), А.Я. Бутков (1938), Л.И. Попова (1951), А.М. Холмуратов (2007) томонидан олиб борилган изланишлар ўсимликлар қопламанинг тузилишини аниқлаш, флоранинг бирламчи рўйхатини тузишга бағишланган.

Бу маълумотлар Бойсун ботаник-географик райони флорасининг тўлиқ тур таркибини аниқлаш ва унинг Ўрта Осиёдаги ботаник-географик ўрнини белгилаш имконини бермайди. Бу нуқтаи назардан флоранинг замонавий конспектини тузиш, кенг кўламли таҳлилларини амалга ошириш, камёб ва эндем турлар популяцияларининг ҳолатини баҳолаш, ботаник-географик чегараларини белгилаш ҳамда флоранинг электрон маълумотлар базасини яратиш долзарб илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ботаника ва зоология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А7-ФА-0-19606 «Ўзбекистоннинг ботаник-географик районлаштириш ва унинг ўсимликлар хилма-хиллигининг маълумотлар базасини яратиш. I қисм. Тоғли Ўрта Осиё провинцияси» (2012-2014) ва ПЗ-2014-0903095817 «Ўзбекистоннинг ботаник-географик районлаштириш ва унинг ўсимликлар хилма-хиллигининг маълумотлар базасини яратиш. II қисм. Турон провинцияси» (2015-2017) мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бойсун ботаник-географик райони флорасини тўлиқ инвентаризация қилиш, Тоғлиўртаосиё провинциясининг Жануби-

ғарбий Ҳисор округидаги мустақил район сифатидаги ботаник-географик чегараларини белгилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

флоранинг таксономик таркибини аниқлаш, конспектини тузиш ва кенг кўламли таҳлилин аналга ошириш;

Бойсун ботаник-географик районининг Тоғлиўртаосиё провинцияси Жануби-ғарбий Ҳисор округда тутган ўрнини асослаш;

камёб, йўқолиб бораётган ва эндем турларнинг таркибини аниқлаш, турларнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталарини тузиш;

флоранинг маълумотлар электрон базаси яратиш.

Тадқиқотнинг объекти Бойсун ботаник-географик райони флорасининг юксак ўсимликлари.

Тадқиқотнинг предмети Бойсун ботаник-географик районининг флораси конспекти, таксономияси, географияси, флоранинг қиёсий таҳлили ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда флористиканинг маршрутли, ярим стационар, систематик, ареологик, биоморфологик усуллари, шунингдек, маълумотларнинг электрон базаси ва ГАТ хариталар тузишнинг замонавий усуллари қўлланилган.

Диссертация тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Бойсун ботаник-географик райони флорасида 89 оила, 524 туркумга мансуб бўлган 1564 турнинг конспекти тузилган ва кенг кўламли таҳлили аналга оширилган;

фан учун янги бўлган 3 тур (*Jurinea tschernevae* Tojibaev & Turginov, *Iris khassanovii* Tojibaev & Turginov, *Allium decoratum* Turginov & Tojibaev) аниқланган ва тавсифланган, илк бор Ўзбекистон флораси учун 16 тур, Ҳисор тизмаси флораси учун 15 тур келтирилган;

тадиқот ҳудудининг ботаник-географик чегаралари аниқланган;

Dionysia hissarica Lipsky, *Allium majus* Vved., *Ferula tuberifera* Korovin, *Ungernia victoris* Vved., *Sternbergia fischeriana* (Herb.) M. Roem., *Dimorphosciadium gayoides* (Regel & Schmalh.) Pimenov, *Astragalus tupalangi* Gontsch. каби камёб ва эндем турларнинг янги популяциялари аниқланган;

илк маротаба Бойсун ботаник-географик райони флорасининг замонавий ҳолатини акс эттирувчи маълумотларнинг электрон базаси яратилган ва турларнинг тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталари тузилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

флоранинг замонавий таркибини акс эттирувчи маълумотлар электрон базаси, турларни тарқалишини акс эттирувчи ГАТ хариталар Сурхондарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг вилоят бўлимига жорий этилган ва ўсимликлар дунёсини сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишга қаратилган чора-тадбирларни аналга оширишда илмий – амалий асос сифатида хизмат қилади;

Бойсун ботаник-географик райони флорасидан йиғилган гербарий намуналари Марказий гербарий фондини бойитишга имкон берган ва FLORUZ (www.floruz.uz) ахборот-таҳлил тизимига киритилган;

флора таркибидаги камёб ва эндем турлар тўғрисидаги янги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Қизил китобининг навбатдаги нашрига жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги флористик тадқиқотларнинг замонавий усулларни қўлланилганлиги ва улар асосида фан учун янги бўлган, Ўзбекистон ҳамда Ҳисор тизмаси флоралари учун илк бор келтирилаётган турлар тўғрисидаги маълумотларнинг етакчи хорижий илмий нашрларда чоп этилганлиги, маълумотларнинг электрон базасини FLORUZ ахборот-таҳлил тизими ҳамда табиатни муҳофаза қилиш давлат ташкилотларининг иш фаолиятига жорий этилганлиги, йиғилган гербарий намуналари, фан учун янги турларнинг голотиплари ва изотипларини Марказий гербарий (TASH), Москва (MW), Берлин (B), Палермо (PAL), Санкт-Петербург (LE) гербарий фондларида сақланаётганлиги, “Бойсун ботаник-географик райони флораси маълумотлар электрон базаси” учун муаллифлик гувоҳномаси (№BGU 00344) олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бойсун ботаник-географик райони флорасининг таркиби аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда тадқиқ этилиб, флоранинг тўлиқ конспекти тузилганлиги, кенг қўламли таҳлили амалга оширилганлиги, Бойсун ботаник-географик райони флорасининг ўзига хос хусусиятларини аниқланганлиги, фан учун бир қатор янги турларнинг топилганлиги, ўрганилган флора ва унга ёндош худудлар учун янги флористик топилмаларнинг келтирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Сурхондарё вилояти Бойсун туманининг ўсимликлар қопламини муҳофаза қилиш ва барқарор фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш учун асос сифатида хизмат қилади. Шунингдек, илмий-амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Қизил китобининг навбатдаги нашрига киритилган турларга очерклар тайёрланганлиги билан ҳам изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бойсун ботаник-географик райони флорасини тадқиқ қилишда олинган илмий натижалар асосида:

ГАТ хариталари билан мустаҳкамланган маълумотлар электрон базаси, флоранинг конспекти, доривор ва Қизил китобга киритилган ўсимликларнинг рўйхати Бойсун давлат ўрмон хўжалиги фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг 2016 йил 25 мартдаги №06/11-300-сон маълумотномаси). Илмий натижалар иқтисодиёт тармоқлар учун муҳим аҳамиятга эга ўсимликлар тур таркибини аниқлаш, камёб ва йўқолиб бораётган турларни муҳофаза қилиш, давлат кадастрини юритиш ва муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бойсун ботаник-географик райони флорасининг таксономик таҳлили”** деб номланган биринчи бобида илгари олиб борилган тадқиқотларнинг танқидий таҳлилига, флора флора конспектининг тузилиши, фан учун янги топилган турлар, флористик янгиликлар ва кенг кўламли таҳлиллар асосида олинган асосий натижаларга бағишланган.

Бобнинг биринчи ва иккинчи бўлимида ҳудудда ҳозиргача олиб борилган изланишларнинг натижалари ва тадқиқотнинг методлари тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

Учинчи бўлим флора конспектининг тузилиши, фан учун янги топилган турларга ва **Бойсун ботаник-географик район флорасидан аниқланган янги флористик топилмаларга бағишланган.** Конспект муаллифнинг дала тадқиқотларида йиғган гербарий намуналари, Марказий гербарий (TASH), РФА В.Л. Комаров номидаги Ботаника институти гербарийси (LE) ва Москва давлат университети гербарийси (MW) фондларида сақланаётган намуналарни танқидий таҳлил қилиш асосида шаклантирилган. Конспект А.Л.Тохтаёнов таснифи (1997) бўйича тузилган. Оилалар ва туркумларнинг кўлами кенг маънода қабул қилинди ва асосий ҳолатларда «Ўрта Осиё ўсимликлари аниқлагичи» га (1968-2015) мувофиқ келади ҳамда бу юксак ўсимликларнинг замонавий таснифларига (масалан, APG IV, 2016) зид келмайди.

Конспектда 89 оила, 524 туркумга мансуб 1564 турлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Ҳар бир турнинг чоп этилган илк нашри, ҳаётий шакли, ареал типи, тупроғи ва баландлик минтақаси, флороценотипи, хўжаликдаги аҳамияти ҳамда гербарий намунасига асосланган ҳолда коллекторлар келтирилган.

Аниқланган янги флористик топилмалар.

Фан учун янги турлар:

Jurinea tschernevae Tojibaev & Turginov Ботанический журнал, 98 (12): 1563-1571. 2013. Sect. *Nanae* Pjin (*Asteraceae*).

Тип: Hissar occidentalis, montes Baisuntau, in vicinitate vici Yuqori Machai, prope pagum Alchasai, 2500-2600 m, 9 VII 2011, 258, *Turginov* (type, TASH! isotypus LE!).

Iris khassanovii Tojibaev & Turginov Phytotaxa, 158 (3): 224-228. 2014. Sect. *Juno* Tratt. (*Iridaceae*).

Type: UZBEKISTAN. Pamir-Alai: border of the Hissar Range, Baisuntau, near the village of Gumatag, Parakhnaursaj, stony slopes, 2123 m, N 38.35696, E 067.33598, 4 May 2013, *Turginov*, 1421. (type, TASH!).

Allium decoratum Turginov & Tojibaev Phytotaxa, 177 (5): 291-297. 2014, Sect. *Kaloprason* Koch. (*Amaryllidaceae*).

Type: UZBEKISTAN. Pamir-Alai: SW Hissar Range, Baisuntau, Khojagurgurata, location Khodja Kuchkorata, subalpine stony and rocky slopes, 2650 m, N 38.31683° E 067.24160°, 12 June 2013, *Turginov*, (type, TASH! isotype, B!).

Ўзбекистон флораси учун янги аниқланилган турлар.

Дала тадқиқотлари ҳамда TASH фондида сақланаётган намуналарни танкидий таҳлил қилиш натижасида Ўзбекистон флораси учун аввал келтирилмаган турлар аниқланди. Улар тўғрисидаги маълумотлар муаллиф иштирокидаги қатор илмий нашрларда чоп қилинди. Булар қуйидагилардан иборат: *Astragalus varzobicus* Vved., *Cousinia pannosa* C.Winkl., *Chesneya hissarica* Boriss., *Ch. crassipes* Boriss., *Chondrilla gibbirostris* Popov, *Consolida stocksiana* (Boiss.) Nevski, *Eremurus hissaricus* Vved., *Ferula tadshikorum* Pimenov, *Hedysarum cephalotes* Franch., *H. denticulatum* Regel & Schmalh., *Nepeta pamirensis* Franch., *Pedicularis sarawschanica* Regel, *Scrophularia pamiro-alaica* Gorschk., *Silene bucharica* Popov, *Taraxacum tadshikorum* Ovcz. & Schischk., *Ventenata macra* (Steven) Balansa & Boiss.

Ҳисор тизмаси флораси учун аниқланилган янги турлар.

Тадқиқотлар давомида Ҳисор тизмаси учун аввал келтирилмаган. Уларнинг таркиби қуйидагилардан иборат: *Allium kaufmanii* Regel, *Astragalus fedtschenkoanus* Lipsky, *A. angrenii* Lipsky, *Asperula trichodes* J. Gay & DC., *Cousinia gontscharovii* Juz., *C. triceps* Kult., *C. butkovii* Tscherneva & Vved., *C. podophylla* Tscherneva, *Draba huetii* Boiss., *Jurinea kokanica* Pjin, *Echinophora tenuifolia* subsp. *sibthorpiana* (Guss.) Tutin, *Elaeosticta paniculata* (Korovin) Kljuikov & Pimenov, *Melissitus pamiricus* Boriss., *Onosma gmelinii* Ledeb., *Scutellaria immaculata* Nevski ex Juz.

Ўсимликлар қопламига бағишланган тадқиқотларда ҳудуд учун А.Я. Бутков (1938) 238 тур, Л.И. Попова (1951) 626 тур келтирилган. А.М. Холмуратов эса (2007) 714 тур келтирган. Мазкур рўйхатларни танкидий таҳлил қилиш натижасида 100 дан ортиқ турлар нотўғри аниқланган ёки гербарий намуналари билан мустақамланмаган адабиёт маълумотлари асосида келтирилганлиги маълум бўлди.

Тўртинчи бўлим флоранинг таксономик таҳлиliga бағишланган. Таксономик таҳлил флоранинг кенг кўламli таҳлиlida марказий ўрин тутaди. Мазкур флорада 89 оила, 524 туркумга мансуб 1564 турдан иборат эканлиги тадқиқотлар давомида аниқланди. Бу кўрсаткич, Ўзбекистон флорасининг 35,73% ташкил этади (4377 тур ҳисобидан, www.floruz.uz маълумоти бўйича).

Йирик таксономик бирликларнинг ўзаро нисбати тоғли Ўрта Осиёнинг жанубий қисмидаги бошқа локал флоралардан фарқланмайди. Спорали ўсимликлар (Equisetophyta ва Polypodiophyta) 2 оила, 4 туркумга мансуб 5 тур билан иштирок этади холос (0.31%). Худди шу ҳолат 2 оила 2 туркум ва 6 тур (0,38%) билан иштирок этаётган очик уруғли (Pinophyta) ўсимликларда ҳам кузатилди. Лекин очик уруғлиларининг айрим турлари Бойсун ботаник-географик райони ўсимликлар қопламида, хусусан, *Juniperus* (*J. polycarpus* var. *seravschanica* (Kom.) Kitam.) ва *Ephedra* (*E. equisetina* Bunge) туркумлари турлари юқори даражадаги ўринни эгаллайди.

Флоранинг асосий қисмини Ёпиқ уруғлилар (Magnoliophyta) ташкил этади. Улар 1553 тур билан иштирок этиб, жами турларнинг 99,29% ташкил этади. Улардан икки уруғпаллалилар (Magnoliopsida) 1275 тур (81,53%), бир уруғпаллалилар (Liliopsida) 278 тур (17,78%) билан иштирок этади. Бир уруғпаллали ва икки уруғпаллалиларнинг умумий нисбати 1:4,58 ташкил этади. Бу ҳолат нафақат Ўрта Осиё, балки тур таркиби бўйича ўртача бой ҳисобланган Шарқий Европа локал флораларига (Буланий, 2009) ҳам мувофиқ келади. Бироқ қиёсий флористиканинг классик намоёндалари (Толмачёв, 1974) томонидан таъкидланганидек бу нисбат қиёсий таҳлил учун катта илмий аҳамиятга эга эмас. Бирмунча салмоқли кўрсаткич битта оилага тўғри келадиган турларнинг ўртача сони ҳисобланади. Бойсун ботаник-географик райони флорасида битта оилага ўртача ҳисобда 5,8 туркум ва 17,47 тур тўғри келиши аниқланди (1:5,8:17,47). Бу кўрсаткични бошқа флоралар билан солиштирилганда нафақат Ўрта Осиёнинг тоғли қисмидаги айрим флоралар (Камелин, 1973; Красовская, Левичев, 1986; Бешко, 2000; Баташов, 2016), балки Ўрта Осиёга ёндош бўлган айрим флоралар, масалан Олтой флорасидан (Силантьева, 2008; Наумов, 2009) ҳам анча юқори ҳисобланади. Бойсун ботаник-географик райони флорасидаги 19 оилада турлар сони ўртача кўрсаткичдан (яъни 17 турдан ортиқ) юқори бўлиб, уларда 1264 тур жамланган ва умумий флоранинг 80,81% ташкил қилади.

Етакчи оилалар қаторига ўзининг таркибида 30 дан ортиқ турга эга бўлган 15 оила киритилди. Мазкур оилаларда 1169 тур жамланган бўлиб, флоранинг 74,74% ташкил этади (1-жадвал). Етакчи оилалар қаторини *Asteraceae* (238 тур – 15,21%), *Fabaceae* (192 – 12,27%), *Poaceae* (127 – 8,12%), *Brassicaceae* (89 – 5,91%), *Lamiaceae* (87 – 5,58 %), *Apiaceae* (71 – 4,67%), *Caryophyllaceae* (59 – 3,96 %), *Ranunculaceae* (51 – 3,18%) ва бошқалар ташкил қилади. Бу кетма-кетлик Тоғлиўртаосиё провинциясига хос бўлган белгилардан бири ҳисобланади (Тожибаев, 2010). Дуккаклиларнинг (*Fabaceae*) етакчилик мавқеи *Astragalus* L., *Oxytropis* L., *Hedysarum* L. ва бошқ. туркумлар доирасида Фарбий Ҳисор эндем турларининг юқори

даражаси билан изоҳланади. Бу ҳолат тадқиқот ҳудудини мазкур туркумлар учун Помир-Олойдаги тур ҳосил бўлиш марказларидан бири сифатида ўрин эгаллашини яна бир бор кўрсатади.

Полиморф оилалар кетма-кетлигининг биринчи учлиги (*As-Fa-Po*) деярли ўзгаришсиз ҳолатда жойлашган (Хохряков, 2000). Иккинчи учликда (*Br-La-Ap*) *Brassicaceae* оиласининг юқори ўринни эгаллаши (асосан *Alyssum*, *Strigosella*, *Lepidium* ва бошқа туркумлар ҳисобига) фарқли хусусиятларни кўрсатади ва бу ҳолат флоранинг текислик минтақаси билан боғлиқлиги ҳамда антропоген омилларнинг таъсири билан изоҳланади. *Lamiaceae* (*Scutellaria*, *Nepeta*, *Phlomis*) ва *Apiaceae* (*Ferula*, *Prangos*, *Bunium*, *Elaeosticta*) оилаларининг юқори ўрни эса Тоғли Ўрта Осиё учун хос хусусият ҳисобланиб, автохтон турларнинг кўплиги орқали намоён бўлади. Полиморф оилалар спектрида *Rosaceae* оиласининг пастки ўринда бўлиши, ҳудуднинг табиий-иқлим шароити ушбу оила турлари учун ноқулайлиги билан асосланади.

Флорада таркибида 524 туркум бўлиб, ўртача битта туркумга 2,98 тадан тур тўғри келади. Флорада биттадан турга эга бўлган 261 туркум бўлиб, шулардан 15 туркум монотип ҳисобланади. Монотип туркумларнинг географик тарқалишининг таҳлили ҳам Бойсун ботаник-географик районининг ўзига хос хусусиятларини янада очиқ беради. *Calispepla* туркуми тадқиқот ҳудудининг эндеми ҳисобланади; уч туркум (*Calispepla*, *Lipskyia*, *Spirostegia*) Ғарбий Помир-Олой ҳудудидан ташқарига чиқмайди. Монотип туркумларнинг ярмидан ортиқроғи асосан Ўрта Осиё бўйлаб тарқалган. Флорада полиморф туркумлар қаторига 12 тадан ортиқ турга эга бўлган 15 туркумлар олинган ва уларда 380 тур жамланган (1-жадвал). Флорада асосан олигополиморф ҳисобланган *Astragalus* (101 – 6,45%), *Cousinia* (46 – 2,94%), *Allium* (36 – 2,30%) туркумлари Тоғли Ўрта Осиёдаги локал флоралар сингари минтақа флорасида ҳам олдиги ўринда туради. Флорада *Astragalus* туркумнинг 101 тури тарқалган бўлиб, умумий флоранинг 6,45% ташкил этади. Бу кўрсаткич бўйича Бойсун ботаник-географик райони Тоғлиўртаосиё провинциясидаги бошқа ўрганилган анча юқори туради (Красовская, Левичев, 1987; Камелин, 1990; Бешко, 2000, Тожибаев, 2010 и ва бошқ.). Бундан кўриниб турибдики, Помир Олой тизмалари, жумладан Жануби-ғарбий Ҳисор округи *Astragalus* туркумининг автохтон турларига бойдир. Бойсун ботаник-географик райони флораси бундан мустасно бўлмаган ҳолда ҳудуд флорасида *Stipitella* Grig., *Halicacabus* Bunge, *Erionitus* Bunge, *Alopecoides* Gontsch., *Myobroma* (Stev.) Bunge, *Ammodendron* Bunge, *Astenolobium* (Nevski) Gontsch., *Gontschsroviella* Kamelin сингари секцияларда эндем ва субэндем турларга бойлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, туркум турларининг ареологик таҳлилига кўра, 101 турдан 44 тур Помир Олой тизмалари билан чегараланади.

Полиморф туркумлар спектридаги кейинги ўринни *Cousinia* эгаллайди. Тоғли Ўрта Осиёнинг бошқа маҳаллий флоралари билан қиёсланганда ББҒР флораси *Cousinia* учун энг муҳим ҳудудлардан бири эканлиги кўринади. Туркумнинг 22 секцияга мансуб 46 тури учраши тадқиқотлар давомида

аниқланди. Бу эса умумий флорани 2,94% ташкил этади. Бу кўрсаткич бошқа флоралар билан қиёсланганда деярли икки баробар юқори эканлиги кўринади, яъни, Сирдарё Қоратоғида (28/1666) 1,7%, Жануби-Ғарбий Тиёншоннинг Ўзбекистон қисмида (32/2056) 1,55% ташкил этади. ББҒР флорасидаги 36 тур Помир-Олойнинг эндемлари ҳисобланади (жами *Cousinia* турларининг 78,26%). Шулардан 15 тур Жануби-ғарбий Ҳисор эндеми мақомига эга. Эндемизмнинг юқори кўрсаткичи нафақат тур даражасида, балки секциялар даражасида ҳам намоён бўлади. Аниқланган жами 22 секциядан 16 таси Помир-Олой учун эндем бўлган секциялар ҳисобланади. Булар *Helianthae* Bunge, *Ctenarctium* Juz., *Coronophora* (Juz) Tscherneva, *Regeliana* (Juz.) Tscherneva, *Kuekenenthalia* Juz., *Homolochaete* C.Winkl., *Olgaeanthae* Tscherneva, *Carduncellus* (Juz.) Rech. f., *Actinia* Bunge ва бошқ. Бу ҳолат мазкур минтақа Помир Олойдаги тур ҳосил бўлиш жараёни амалга ошаётган марказларидан бирига тўғри келишини кўрсатади.

1-жадвал

Бойсун ботаник-географик райони флорасидаги полиморф оила ва туркумларлари

Оила	Туркумлар сони	Турлар сони	%	Туркумлар	Турлар сони	%
<i>Asteraceae</i>	73	239	15,28	<i>Astragalus</i>	101	6,45
<i>Fabaceae</i>	26	193	12,34	<i>Cousinia</i>	46	2,87
<i>Poaceae</i>	54	127	8,12	<i>Allium</i>	36	2,30
<i>Brassicaceae</i>	50	89	5,69	<i>Gagea</i>	21	1,34
<i>Lamiaceae</i>	27	87	5,56	<i>Euphorbia</i>	21	1,34
<i>Apiaceae</i>	37	71	4,53	<i>Ranunculus</i>	20	1,27
<i>Caryophyllaceae</i>	23	59	3,77	<i>Scutellaria</i>	18	1,15
<i>Ranunculaceae</i>	14	51	3,26	<i>Eremurus</i>	16	1,03
<i>Boraginaceae</i>	19	43	2,74	<i>Taraxacum</i>	16	1,02
<i>Scrophulariaceae</i>	12	40	2,55	<i>Oxytropis</i>	15	0,96
<i>Alliaceae</i>	1	36	2,30	<i>Artemisia</i>	15	0,96
<i>Rosaceae</i>	13	36	2,30	<i>Iris</i>	15	0,96
<i>Polygonaceae</i>	8	35	2,23	<i>Polygonum</i>	14	0,89
<i>Liliaceae</i>	3	31	1,98	<i>Veronica</i>	13	0,83
<i>Chenopodiaceae</i>	16	30	1,92	<i>Ferula</i>	13	0,83
Жами 15	374	1167	74,56	Жами 15	380	24,2

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Бойсунтоғ ва унга ёндош бўлган ҳудудларда узоқ йиллар давомида (1875-2007 йиллар оралиғида) кўпгина ботаник тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамадан флора таркибининг таҳлилига қаратилган изланишлар амалга оширилмаган. Муаллиф томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида флора таркибини аниқлаш ва конспектини тузиш илк бор амалга оширилди. Таксономик таҳлил натижаларига кўра, Бойсун ботаник-географик райони флораси Ўрта Осиёнинг тоғли флораларининг асосий хусуситларини намоён этади. Ўрганилган флоранинг фарқли хусусиятлари *Cousinia* Cass., *Astragalus*

L., *Jurinea* Cass., *Hedysarum* L. каби туркумларнинг бой таркиби ва автохтон турларнинг юқори даражаси ҳисобланади. Уларнинг таксономик таркибини ўрганиш тадқиқот ҳудуди мазкур туркумлар доирасида замонавий тур ҳосил бўлиш марказларидан бири эканлигини эътироф этиш имкониятини беради. Бу ҳолат тор тарқалиш доирасига эга бўлган эндем, субэндем турларнинг кенг тарқалганлиги, Ўрта Осиё учун хос бўлган монотип эндем туркумларнинг хилма-хиллиги билан ҳам изоҳланади.

Диссертациянинг “**Бойсун ботаник-географик райони флорасининг кенг кўламли таҳлили**” деб номланган иккинчи бобида флорадаги турларнинг географик, солиштирма, биоморфологик, баландлик минтақлар бўйича тақсимланиши ва уларнинг таҳлили асосида олинган асосий натижалар келтирилган.

Биринчи бўлимда турларнинг ареал типлари бўйича тақсимланиши келтирилган. Флора таркиби 7 ареал синфларига мансуб бўлган 44 ареал типларидан иборат эканлиги аниқланди (2-жадвал). Флоранинг географик спектри Ўрта Осиё флоралари бўйича чоп этилган классик (Камелин, 1971, Кармышева, 1982, Красовская, Левичев, 1986) ва сўнгги йиллардаги Ўзбекистонда бажарилган (Бешко, 2000; Ибрагимов, 2010; Тожибаев, 2010; Баташов, 2016) ишлардан фойдаланилган ҳолда тузилди.

2-жадвал

Бойсун ботаник-географик райони флорасининг географик спектри

Ареал синфлар	Ареал типлар сони	Турлар сони	%
Помиролой синфи	9	380	24,29
Тоғлиўртаосиё синфи	3	235	15,02
Ўртаосиё синфи	8	227	14,54
Қадимийўртаерденгизи синфи	9	409	26,16
Палеарктик синфи	12	197	12,59
Голарктик синфи	2	75	4,79
Плюрирегионал синфи	1	37	2,36
Ареал типлари аниқланмади		4	0,25
Жами:	44	1564	100

Бойсун ботаник-географик райони флорасининг географик таҳлили Помиролой ва Қадимийўртаерденгизи ареал синфларига кўпроқ эътибор қаратган ҳолда амалга оширилди. Бу ҳолат мазкур икки ареал синфига мансуб турлар флоранинг $\frac{1}{2}$ қисмини ташкил этиши билан изоҳланади.

Помиролой ареал синфи 9 ареал типини бирлаштириб, 380 тур (24,29%) жамланган, яъни флоранинг $\frac{1}{4}$ қисми Помир Олойнинг эндемлари ҳисобланади. Бу Тоғлиўртаосиё провинциясининг маҳаллий флоралари орасидаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Мазкур синф доирасида майдони бирмунча катта бўлган, масалан Жанубий Помир-Олой учун хос бўлган Кўҳистон, Ҳисор-Дарвоз типлари (*Allium*, *Iris Plocama*, *Scutellaria*, *Phlomisoides*, *Acantholimon* ва бошқа туркум турлари ҳисобига), бутун Помир-

Олой худудини қамраб олган типлар (*Ferula*, *Tulipa*, *Gagea* ва бошқ.) билан бир каторда тарқалиш майдони анча тор бўлган Бойсун, Жануби-ғарбий Ҳисор ва Ҳисор ареал типлари (асосан *Jurinea*, *Cousinia*, *Astragalus* турлари ҳисобига), муҳим ўрин эгаллайди ҳамда мазкур ареал синфининг асосий хусусиятларини намоён қилади.

Қадимийўртаерденгизи ареал синфи ҳам 9 ареал типини қамраб олади ва уларда 409 тур (26,16%) жамланган. Унинг тақибда Эрон-ўртаосиё (130 тур) ва Қадимийўртаерденгиз (105 тур) ареал типлари турларга бойлиги билан ажралиб туради. Таксономик гуруҳлар орасида *Asteraceae* (*Artemisia*, *Inula*), *Brassicaceae* (*Strigosella*, *Alyssum*), *Boraginaceae* (*Heliotropium*), *Papaveraceae* (*Papaver*, *Roemeria*), *Fabaceae* (*Astragalus*, *Vicia*) *Valerianaceae* (*Valerianella*), *Scrophulariaceae* (*Veronica*), *Euphobiaceae* (*Euphorbia*), *Cyperaceae* (*Carex*), *Poaceae* (*Stipa*, *Bromus*, *Hordeum*) оилалари асосий ўрин эгаллайди. Улар орасида терофитлар етакчилик қилиб, асосан текислик ва адир минтақаларида кенг тарқалган.

Турларнинг ареал типлари бўйича тақсимланишининг таҳлилига кўра, Помиролой ареал синфининг флора таркибида тугган катта ўрни аниқланди ва бу ҳолат тадқиқот худуди Помир-Олой тизмалари орасида маҳаллий тур ҳосил бўлиш жараёнлари учун катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Қадимийўртаерденгизи ареал синфига мансуб турларни кўплиги эса мазкур флора М.Г. Попов (1958) талқинидаги Қадимийўртаерденгизи худудининг бир бўлаги эканлигини кўрсатиш билан бирга, бу синфга мансуб бўлган турларнинг тарқалишида текислик ва адир минтақаларининг муҳим роль ўйнашини кўрсатади.

Иккинчи бўлимда флоранинг қиёсий таҳлили амалга оширилган. Қиёслаш, Ғарбий Тиёншондаги Талос Олатоғининг ғарбий тармоқлари флораси (Кармышева, 1982), Ҳисор тизмасининг марказий қисмида жойлашган Варзоб флораси (Камелин, 1973) билан амалга оширилди. Қиёслаш учун танланган флоралардаги турларнинг ўхшашлик даражаси Р. Жассард (1901) ўхшашлик коэффициенти ёрдамида аниқланилиб, кластер таҳлили амалга оширилди. Талос Олатоғи ғарбий тармоқларининг флораси 517 тур ($K_J=0,20$), Варзоб флораси билан эса 728 тур ($K_J=0,30$) бир хил эканлиги аниқланди. Варзоб ва Талос Олатоғи ўртасидаги ўхшаш турлар 497 ташкил этади ($K_J=0,19$) (3-жадвал). Мазкур флоралардаги ўхшашлик кластер таҳлили амалга оширилганда Варзоб ва Бойсун ботаник-географик районлари флораларининг ўзаро яқинлиги кўринади. Бу ҳолат уларнинг бир тоғ тизмаси доирасида бир-бирига яқин жойлашганлиги ҳамда умумий генезисга эга эканлиги билан асосланади. Ўхшашликнинг юқори даражаси Помир-Олойнинг автохтон турлари, аввало *Astragalus*, *Cousinia*, *Scutellaria*, *Hedysarum* ва бошқ. туркумлари ҳисобига тўғри келади. Бойсун ботаник-географик райони ва Талос Олатоғи ғарбий тармоқларининг флораларини ўзаро яқинлиги Тоғлиўртаосиё провинциясига хос бўлган ва *Apiaceae* (*Seseli*, *Semenovia*, *Bunium*), *Lamiaceae* (*Phlomis*), *Ranunculaceae* (*Anemone*, *Ranunculus* айрим маҳаллий турлари ҳисобига), *Rosaceae* (*Rosa*, *Cotoneaster*) оилаларига мансуб турлар ҳисобига амалга ошади. Қиёсланаётган ҳар учала

флора учун умумий бўлган турлар орасида Қадимийўртаерденгизи, Палеарктик ва Голарктик ареал синфига мансуб турлар ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Бойсун ботаник-географик райони флорасининг ўзига хос хусусиятлари эса типик Ҳисор-Дарвоз ва ксероморф Жануби-ғарбий Ҳисор (Кўхитанг, Боботоғ) флоралари ўртасидаги боғловчи оралик бўғин ҳисобланиши, минтақада курғоқчил арчазорларнинг ривожланганлиги, ёнғоқзорлар минтақасининг шаклланмаганлиги ва пастки минтақаларда галофил элементларининг таксономик ва фитоценотик ўрнининг юқорилиги билан ажралиб туради.

3-жадвал

Солиштирилаётган флораларнинг (K_j) ўхшашлик коэффициент кўрсаткичлари

№	Қиёсланатган флоралар	1	2	3
1	Бойсун ботаник-географик райони флораси	1564 $K_j=1$	728 $K_j=0,30$	517 $K_j=0,20$
2	Варзоб флораси	728 $K_j=0,30$	1535 $K_j=1$	497 $K_j=0,19$
3	Талос Олатоғи ғарбий тармоқларининг флораси	517 $K_j=0,20$	497 $K_j=0,19$	1491 $K_j=1$

Учинчи бўлим турларнинг ҳаётий шакллари таҳлиliga бағишланган. Ўсимликларни ҳаётий шакллари бўйича таҳлили С. Raunkier (1934) таснифи асосида амалга оширилди. Флорада тарқалган турларнинг энг йирик таксономик бирликлар ҳамда ҳаётий шакллар бўйича тақсимланиши 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Бойсун ботаник-географик райони флораси таркибининг биологик спектри

Таксонлар		Хаётий шакллар					Жами
		Фанерофит	Хамефит	Гемикриптофит	Криптофит	Терофит	
Division	Class						
Equisetophyta	Equisetopsida	-	-	-	2	-	2
Polyopodophyta	Polypodiopsida	-	-	3	-	-	3
Pinophyta	Pinopsida	1	-	-	-	-	1
	Gnetopsida	3	2	-	-	-	5
Magnoliophyta	Magnoliopsida	86	98	619	41	431	1275
	Liliopsida			97	110	61	278
Жами:		90	100	719	163	492	1564

